Бир нуроний – ўн нафар ёшга мураббий

Ўтган қисқа давр ичида нуронийларни ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш борасида **10 дан** ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлса, шунинг **3 тасини Президент Фармон** ва **Қарорлари** ташкил қилади.

2016 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4906

- **2022 йил 15 мартдаги «Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-167**

2023 йил 11 мартдаги «Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-92

Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётини юқори даражага кўтариш ва ижтимоий фаолликларини янада ошириш мақсадида қуйидагилар устувор йўналишлар этиб тасдиқланди:

- ёшларни Ватанга муҳаббат, эзгулик, шукроналик, меҳнатсеварлик, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш учун **«Бир нуроний ўн ёшга масъул»** тамойилини жорий этиш орқали нуронийларнинг катта ҳаётий тажрибасидан кенг ва самарали фойдаланилишини ташкил этиш;
- вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, корхона ва ташкилотлардаги Фахрийлар кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштириш;
- Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, уруш орти меҳнат фахрийлари ва ўзгалар парваришига муҳтож бўлган якка-ёлғиз нуронийлар ҳамда «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган кексалар ҳолидан доимий хабар олиш тизимини ташкил қилиш;
- нуронийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида «Нуронийлар маскани» мажмуаларида ва маҳаллаларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш;
- кексаларга тизимли равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароитларни яратиб бориш;
- фуқаролар йиғинлари раисларининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;
- тадбиркорликка ва ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилган бой ҳаётий ва касбий малакага эга бўлган фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

«Бир нуроний ўн ёшга масъул» тамойилига мувофиқ ёшлар ҳар бир маҳалладаги ҳаётий тажрибага эга бўлган замонавий фикрлайдиган фаол нуронийларга бириктирилиши белгиланган.

Бунда:

маҳаллалардаги ёшлар етакчилари «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари билан биргаликда шакллантирилган рўйхатлар асосида ўн нафар уюшмаган ва муаммоли ёшлар нуронийларга бириктириб чиқилади;	бой ҳаётий тажрибага эга зиёли, ҳунарманд, тадбиркор, фермер ва бошқа соҳа вакиллари бўлган нуронийлар ҳудудлардаги барча таълим муассасаларига бириктирилади.

Бунинг натижасида ҳар бир маҳаллаларда мавжуд бўлган ёшларнинг қуйидаги қатламларини қийнаб келаётган муаммолари ҳал этилади:

- тарбияси оғир
- маънавий кўмакка муҳтож
- уюшмаган
- ишсиз
- ажрим ёқасида турган ёш оил

- Маҳаллаларда **“Кексалар масалаҳати”** гуруҳи фаоллари **“Бир нуроний — ўн ёшга масъул”** тамойили асосида ўзлари яшаб турган ҳудудда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бораётган саъй-ҳаракатлари нуронийларимизга ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш, ўз тажрибаларини фойдали ишларга йўналтириш ва одамлар учун керакли эканликларини ҳис этиш имконини беради. Қолаверса, ёшлар урф-одатларимизни эъзозлаш, қадр-қимматимизни асраб-авайлашни ўрганиши Янги Ўзбекистон учун янада куч бағишлайди.